O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
SHEROBOD TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ШЕРАБАДСКОГО РАЙОНА

191400, Sherobod tumani, Navoiy ko`chasi, 22-uy, tel:0(376)3222621, fax: 0(376)3221033

2020 yil "28" февраль К-530 - sonli

Шеробод туман худудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2020 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдикланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги низом ижросини таъминлаш ҳамда 2020 йилда туман худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан ўтказишни уюшкоклик билан, сифатли ташкил этилишини таъминлаш максадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Тумандаги барча юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши таъминлансин.

2. Тумандаги автобуслар, микроавтобуслар, автомобиллар, мотоциклар ва тиркамаларни (кейинги ўринда Транспорт воситалари деб юритилади) давлат техник кўригидан ўтказиш туман ички ишлар бўлимларининг йўл харакати хавфсизлиги гурухи (Л.Луков) зиммасига юклатилсин.

3. Техник кўрикдан ўтказишда диагностика станциялари, хусусий техник хизмат кўрсатиш станцияларининг созлиги хамда харкатланувчи таъмирлаш ва тузатиш устахоналарининг белгиланган тартибда жихозланганлигига алохида эътибор қаратилсин.

4. 2020 йил давомида техник кўрикни уюшкоклик билан, сифатли ўтказиш максадида, туман комиссияси тузилсин. Комиссия аъзоларининг таркиби 1-иловага мувофик тасдиклансин.

5. 2020 йил давомида тумандаги юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан тасдикланган жадвал асосида ўтказилсин.

6. Туман ИИБ ЙҲХГ (Л.Луков) га:

юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жадвалини тумандаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларга етказиш ҳамда ўз вактида бажарилиши таъминлаш;

хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари (ТХС) ва тадбиркорлик субъектлари (Субъектлар) томонидан транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиклигини баҳолаш белгиланган талаблар ва катъий белгиланган нархлар асосида амалга оширилишини катъий назоратга олиш юклатилсин.

7. Тумандаги ҳар бир ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари ҳамда шахсий автомашина эгаларига автотранспорт воситаларининг доимий равишда техник жихатдан созлигини таъминлаш ва ўз вактида техник кўрикдан ўтказиш тавсия этилсин.

8. Ушбу карор ижросини назорат килиш туман хокимининг ўринбосари У.Сувонов зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур карор расман эълон килинган кундан кучга киради.

Ҳоким **А.Амиров**

DEVONXONA